



Замира Исхокова

Машраб

21

УДК 94(575)(092) Машраб
ББК 63.3(5Ў)4
И84

Лойиҳа муаллифи ва масъул муҳаррир:
тарих фанлари доктори Қ.К. Ражабов

Такризчи:
филология фанлари доктори, профессор Н. Комилов


Исҳоқова, Замира.

Машраб (рисола) / З. Исоқова; лойиҳа муаллифи ва масъул муҳаррир Қ.К. Ражабов. – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT» наشريёти, 2011. – 44 б. – (Тарих ва тақдир).

Ушбу фалсафий рисолада ўзбек мумтоз адабиётининг XV–XVIII асрларда яшаб ижод этган йирик намояндаларидан бири, илоҳий ишқ куйчиси Бобораҳим Машрабнинг ҳаёт ва ижод йўли мухтасар ёритилган. Шoirнинг ўткир маъноли, чуқур фалсафий, латиф, қайноқ дардли, майин ва шўх оҳангларга бой шеърлари қарийб тўрт асрдан буён илоҳий ишқ муҳибларини ўзига шайдо қилиб келмоқда.

Рисола Машраб ижоди билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УДК 94(575)(092) Машраб
ББК 63.3(5Ў)4



© «ABU MATBUOT-KONSALT», 2011 й.

Сўзбоши

Бобораҳим Машраб газал мулкининг султони Алишер Навоидан кейин ўзбек мумтоз адабиётига янги руҳ ва ўзига хос сўз, оҳанг ва тасвир гўзаллигини олиб кирган сўз санъаткоридир.

Мустақиллик йилларида барча азиз сиймоларимиз каби Машраб шахсиятига ҳам адолатли баҳо берилди. Машраб таваллудининг 350 йиллиги танганали нишонланди. Наманган шаҳрида майдони қирқ гектарлик Машраб боғи ҳамда муҳташам Машраб ҳайкали бунёд этилди. Шоирнинг шеърлари бир неча бор нашр қилинди.

Машраб шеърлятига хос хусусият шундаки, унинг шеър ва газалларида Аллоҳга бўлган ишқ тараннум этилади. Машрабнинг илоҳий ишқ дарди инсоннинг изтироб ва кечинмалари, орзу-умидлари, меҳр-муҳаббати билан ҳамоҳанг. Машраб шеърлятининг куч-қудрати ва умумбашарий моҳияти шоирнинг инсонпарварлигидадир.

Машраб ҳамиша инсонни инсон бўлиб қолишга, маънавий камолотга, эзгулик ва яхшиликка чорлайди. Унинг шеърларида ахлоқ-одоб масалалари юксак даражада тарғиб қилинади. Шоир жоҳиллик, нодонлик, ҳасад ва такаббурликни қоралаб, кишиларни самимий, одил, хайрихоҳ бўлишга, эзгу мақсад сари оғишмай интилиш ва гўзал ахлоқли бўлишга чақиради. Машрабнинг илоҳий ишққа йўғрилган пок шеърляти тадқиқи пок ниятли, покиза қалб меҳнатини талаб этади.

2010 йилда оташнафас шоир Машраб таваллудига 370 йил тўлди. Мазкур 2011 йилда унинг вафот этганига роппа-роса 300 йил бўлди. Ушбу фалсафий рисола буюк мутафаккир, шеърлари билан бедор қалбларни тўлқинлантириб, ёниб-қуйиб яшашга, сидқидилдан ишлашга, меҳр-муҳаббатга тўлиқ ҳаёт кечиришга, хайр-саховат, эзгу амаллар қилишга, маънавий камолотга чорлаган азиз сиймо Бобораҳим Машраб таваллудига камтарона совғамиз бўлади.

Ирфоний ишқ куйчиси

Бобораҳим Машраб Наманганда туғилган. Машрабнинг таржимаи ҳоли маноқиб ва афсоналарда ҳам акс этган. Халқ севиб мутолаа қиладиган «Қиссаи Машраб» авлоддан авлодга ўтиб, зўр қизиқиш билан ўқилган. Шоир ўзи ҳақида шундай ёзади:

*На малакман, на фаришта, мен ҳам одам наслидан,
Мен таваллуди ўшал фарзанди Намангониман.*

Халқ орасида *Машраби валиюллоҳ, Орифи раббоний, Ошиқи ҳаққоний* номлари билан машҳур бўлган Бобораҳим Машраб ўз даврининг етук мутасаввифи, тасаввуф адабиётининг ёрқин юлдузи, ирфоний илмлар билимдони, умрини дунё кезиб, сарсон-саргардонликда ўтказган, халқнинг сеvimли шоири сифатида шуҳрат қозониб, халқ билан ҳамнафас бўлиб яшаган мажзуб, қаландар шоирдир. Уни *Шоҳ Машраб, Девонаи Машраб, Қаландар Машраб* деб ҳам аташган.

Машраб – Бобораҳимнинг таҳаллуси. Луғавий маъноси табиат, одат, хулқ, равиш, майл, ҳавас, завқ, сув, шароб ичиладиган идиш, ғоя, маслак, хулқ-атвор, хислат, мазҳаб, насиба ва ҳоказо. Тасаввуфий маслакда илоҳий ишқ шаробини ичган ошиқ. Қаландар – дунёнинг ҳамма борди-келдиларидан воз кечиб, дунё бўйлаб дайдиб юрувчи дарвеш, девонатабиат киши.

Машрабнинг шеърлари ёндирувчи олов, лаҳча чўғ каби хаста кўнгилларни нурафшон этган. Чойхоналар румийхонлик, хофизхонлик, машрабхонлик билан файзли бўлиб, уларнинг дилтортар шеър ва ғазаллари мароқ билан тингланган. Машраб араб, форс тиллари, Қуръон ва ҳадис илми, тасаввуф тарихини мукамал билган, ўз даврининг муршиди комилларидан таълим олган. Шу боис ғазалларида Қуръон оятлари ва ҳадислар, пайғамбарлар ва авлиёлар ҳаёти билан боғлиқ байтлар кўп учрайди.

Машрабнинг ишқ-муҳаббатни тараннум этувчи шеърлари шоирнинг ўзи мукаммал ишқ достони эканидан далолат беради. Машраб учун борлиқ, бутун олам, барча нарсалар ишқдан иборат бўлган. Унинг шеърларидаги илтижолар ўз холиқига – «ҳижрон ўтида юрак-бағрини кабоб этган, минг ноз билан жила қилган» ёри жаҳони – Аллоҳга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Машраб бу оламни Яратганнинг зуҳури, ҳар бир нарса Ҳақ вужудининг шаҳодати деб билади. Барча эзгулик, мурувват ва саховат Худодан, демак, Аллоҳга чин дилдан эътиқод қилган киши бошқаларга озор бермаслиги лозим. Ҳақ таоло кўнгли қотиб қолган, бағригош ҳамда худбин кишиларнинг тавба-тазарру ва ибодатларини қабул қилмайди. Бир инсоннинг дилига озор берган киши ҳеч қачон Аллоҳ розилигига эриша олмайди ва Ҳақ ишқида олов бўлиб ёна олмайди.

*Дил – муҳаббат хонаи ишқдур ижобатдин эмас,
Маъзи йўқ нопоклар аҳли риоятдин эмас.*

Машраб умр бўйи асл моҳияти билан ўзиники бўлган сўзни – ишқ-муҳаббатни тараннум этди. Унинг бадий мероси шеър, рубоий, ғазал, мустазод, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, маснавий ҳамда фардларни ўз ичига олган «Девони Машраб»да мужассамдир. Машрабнинг «Қиссайи Вайсул Қараний», «Қиссайи Меъроҷномаи Расули Ақрам» каби асарлари ҳам мавжуд.

Машрабни ҳақиқатан ҳам серқирра ижодкор дейиш мумкинки, у ишқ уммонидаги «минг маънини бир нукта билан мухтасар этган», ишқдан алангаланиб, ёниб куйган ва яна қайта тирилиб, ўзини ишқ гирдобига урган. Машраб том маънода руҳоният куйчиси, ирфоний ишқ куйчиси, чинакам сўз санъаткоридир. Унинг шеърлари ҳамиша кўнгиللари тўлқинлантириб, нурафшон туйғулар ҳадя этган.

Коммунистик мафкура тазйиқи остида Машраб халққа инқилобчи, революционер, исёнкор шоир деб таништирилди, унинг шеър ва ғазалларидаги асл маъно-моҳият англашилмади, Машраб девона даражасидаги шоир деб эътироф этил-

ди. Оқибатда Машраб илгари сурган эзгу ғоялар ўрнини ғализ қарашлар қамраб олди.

Машраб шеърларидан «антиклерикал» ғоялар кашф этилиб, унинг дунёқараши «ортодоксал ислом қоидаларига зид келган, қаландарлик ҳаёти халқ ҳаётида салбий аҳамият касб этган, муҳаббат йўлида мусулмонларнинг муқаддас жойи – масжидни, муқаддас китоб – Қуръонни танқид қилишдан ҳайиқмаган, ислом ақидаларига салбий муносабатда бўлган, Маккани мусулмонлар ҳажга бориб, зиёрат қиладиган муқаддас жой, деб талкин қилмасдан, уни эски дўконга ўхшатадики, бу ҳол шариат қонун-қоидаларини тан олмаслик билан барабардир», деган хулосалар ясалган. Ваҳоланки, Машраб шеърларида «ҳажри ўтида куйдириб, юрак-бағрини бирён айлаган, қатра ваҳдат майидан баҳраманд этган, давосиз дардга йўлиқтирган, ишқ йўлида бечора, зор, бенаво қилган, ақлини олиб, жонига ўтлар ёққан», «жонининг жононаси» бўлган Аллоҳ завқу шавқ билан тараннум этилган.

«Хусну жамолининг ўтида парвона бўлган, дил даштида гам оҳуларига ватан этган, қонлиг танасига ишқ либосини кафан қилган, ишқ аҳлига ўтлиг юрагини чаман этган, зулмини қариндошу гамини падар деб билган, қаландарлик жандасини кийиб, ўзини дарбадар этган, ҳар дақиқада юз дарду алам чеккан» Машраб учун «бир Худодин ўзгаси барча ғалатдур». Шунинг учун Машраб махлуқни эмас Холиқни, дунёни жилвалантирган нарсаларни эмас, ўша жилвагарнинг ўзини хоҳлайди:

*Бу тани хокинию руҳи равонни на қилай?
Бўлмаса қошимда жонона, бу жонни на қилай?
Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ на керак,
Иброҳимдин қолгон ул эски дўконни на қилай?
Урайинму бошимга саккиз беҳишту дўзахни,
Бўлмаса васли менга, икки жаҳонни на қилай?
Арининг кунгурасин устига қўйдим оёғим,
Ломакондин жой олибман, бу маконни на қилай?
Заррае нури қуёшдек, бу жаҳон ичра тамом,
Ошкоро бўлмаса, сирри ниҳонни на қилай?
Бир худодин ўзгаси барча ғалатдур, Машрабо,
Ўл агар бўлса қўлумда, ул тиконни на қилай?*

Тазкира ва манокїбларда султон ул-орифийн, бурхон ул-муттакийн, зубдат ул-мутакаллимийн деб улуғланган Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижоди ўзига хос ва такрорланмас. Машраб жисми жонини куйдирган ишқ шуъласини оламга ёяди ва бундан афсусланмайди, унинг учун бошқаларнинг маломати, гап-сўзлари, иғвою бадбинликлари аҳамиятсиз. Чунки у ўзини ишқ аҳлининг султони деб билади.

«Мен таваллуди ўшал фарзанди Намангониман»

Бобораҳим Машрабнинг ҳаёти афсона ва ривоятлар билан қўшилиб кетган. Ровийлар манокїбларни завқ билан айтганлар, ҳикоялар огиздан-огизга ўтиб, эл орасига тарқалиб, Машраб номи тилларда дoston бўлган. Ривоят қилинишича, Машрабдаги парҳезкорлик ҳали туғилмасиданоқ намоён бўлган экан. Бир куни Машрабнинг онаси йигирилган ипларни бозорга сотиш учун олиб борган ва қайтишда ерда ётган икки дона узумни олиб огзига солган. Шунда онасининг қорнидан овоз келган: «Эй, ано, Худодин қўрқмай, махлуқдин уёлмай, кишининг ҳақини нима деб едингиз? Агар шул узум эгасини рози қилмасангиз, қорнингиздин гойиб бўлиб кетарман». Бундан қўрқиб, хуши бошидан учган она шу заҳоти баққолнинг олдига бориб, ерга тушган икки дона узумнинг ҳақини тўлаган экан. Бу ажиб ҳолдан таъсирланган баққол барча нарсасидан воз кечиб, ҳақиқат йўлига кириб, илму маърифатдан насиба топган экан.

Бобораҳим Машраб 1640 йилда Наманганда бўзчи Валибобо ва Биби Салималар оиласида тугилган. Унга Раҳимбобо деб ном қўйишган. Машрабнинг болалиги ҳам ўзига хос бўлиб, худога иштиёқ ҳислари жўш урган, жазбага берилган пайтлари беихтиёр шеър айтиб юборган. Бу фавқулодда ҳодиса бўлиб, унда кучли истеъдод барқ урар эди. Кўчаларда яланг оёқ, кийим-бошсиз ёғоч от миниб юрар, халқ уни ўраб олиб, гапга тутишар, шеър айтиб беришини сўрашар экан.

Фарзандларидаги илмга ташналик, туғма истеъдод ва қобилият унинг ота-онасини бефарқ қолдирмаган. Улар фарзандларини 7 ёшида муллага ўқишга беришган. Ёшлигидан зий-

рақ, тиришқоқ, ҳар нарсага қизиқувчан бўлгани учун Машраб хат-саводини тез чиқаради. Ўсмирлик пайтидаёқ Қуръон, ҳадис, форс-тожик адабиёти, араб тили ва адабиётини чуқур ўрганган, ўзбек ва форс-тожик тилида газаллар битиб, шеърларида халқ мақоллари, ҳикмат ва ибораларни усталик билан қўллаган.

*Алифни дилга жо қилмоқни бисмиллоҳдин ўргандим,
Шаҳид қонини тўкмоқни каломуллоҳдин ўргандим.
Ҳама айтурки, Машраб, мунча илми кимдин ўргандинг,
Худо лутф айлади, ман барчани Мавлодин ўргандим.*

Машрабдаги илм-маърифатга бўлган иштиёқ тасаввуф илми-ни ўрганишга йўл очган. Машраб Фаридиддин Аттор, Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Жалолиддин Румий, Лутфий, Алишер Навоий каби забардаст шоирларнинг ижодига қизиқиб, уларнинг шеър ва ғазалларини ёд олган. Машраб ҳозиржавоб, ҳофизлик қуввати ва кучли хотира эгаси бўлгани боис Валибобо фарзандининг истиқболи учун қайғуриб, уни Фаргона водийси суфийларининг раҳнамоси, наманганлик машҳур эшон Домулло Бозор Охундга шогирдликка берган. Биринчи сабоқдаёқ берилган саволларга қайтарган жавоблари билан Машраб ўзининг кучли идрок эгаси, ноёб истеъдод соҳиби эканлигини намоён этган.

Мулла Бозор Охунд – Машрабнинг устози

Бобораҳим Наманганнинг кўзга кўринган илм даргоҳи Курашхонадаги мадрасада Хожа Убайдуллоҳ Мулла Бозор Охунд (ваф. 1668 й.) қўлида таълим олган. Мулла Бозор Охунд XVII аср бошларида Наманганнинг ҳозирги Чортоқ ва Янгиқўрғон туманлари ўртасидаги Кушон қишлоғида туғилган. Унинг отаси ўз даврининг зиёлиларидан бири бўлган. Бошлангич таълимни ўз қишлоғида олгач, Мулла Бозор Охунд Наманганда ўқишни давом эттиради. Мадрасада ўқишни тамомлагач, бухоролик авлиё Мирзо Баҳодир Бухорийга (ваф. 1649 й.) мурид бўлиб, иршод (йўлланма) олиб, муридлик мақомига эришган. Мулла Бозор Охунд билимларини янада мустаҳкамлаш ҳамда тариқат илмини ўрганиш учун Кошғарга

ҳазрати Ҳидоятуллоҳ Офоқ Хожа (ваф. 1695 й.) ҳузурига йўл олади. Йиллар давомида шайх хизматида бўлади. Шариат ва тариқат илмларини пухта эгаллагач, Офоқ Хожа унга Охунд ун-вонини беради. Бу унвон шариат ва тариқат илмларидан устозлик қилиш иқтидорига эга бўлган суфийларга берилган.

Мулла Бозор Охунд Наманганга қайтгач, Курашхонадаги мадрасада мударрислик қилади. Мулла Бозор Охунд Фарғона музофотида тариқат илмининг етук намоёнчаси сифатида шуҳрат қозонади.

Манбаларда Мулла Бозор Охунд «*ҳақиқий муҳаббат қуёши, илм осмонининг тўлин ойи, ҳақиқат денгизининг дурри яктоси, фан боғининг булбулигўёси, донолик чашмаси, Наманган авлиёларининг сўнггиларидан бири, Аллоҳнинг сидқ билан ибодат қилгувчи бандаси, ўз мўъжизалари билан шуҳрат қозонган, насаб шажараси ҳазрати шери Худога (Али р.а.) бориб тақалади*», деб таърифланган.

Мулла Бозор Охунд Бобораҳим Машрабга тасаввуф илмидан сабоқ беради. Уни Машрабдаги туғма истеъдод ва илми ладунийдан хабардорлиги, ақл-фаросати ва зукко сўзлари ҳайратга солади. Мадрасада таълим олган чоғларидаёқ Машраб шеърлари билан танилган. Унинг шеърлари ифода услубининг кучлилиги, мисраларнинг равллиги, халқчиллиги, таърифланаётган воқеа-ҳодиса юсак маҳорат билан тасвирланганлиги билан ажралиб турган. Машрабнинг мумтоз адабиёт жанрларини тўлиқ ўзлаштиргани, араб ва форс-тожик тилларининг ўзига хос хусусиятларини ўз она тили каби билгани, мушоҳадаси ўткирлиги ва мулоҳазаси кенглиги шеърлятида акс этган.

Машраб устози Мулла Бозор Охунд ҳузурида бир неча йил таҳсил олиб, илоҳиёт сирларини ўрганган. Баъзи манбаларда Мулла Бозор Охунд Машрабнинг иқтидори зўрлигидан уни Офоқ Хожа ҳузурига кеткизган, деб ёзилган. Бошқасида эса Мулла Бозор Охунд Машрабнинг тўғри йўлдан озиб бораётгани учун ҳадиксираб, уни Кошғарга юборган дейилади. Аслида Мулла Бозор Охунд Машрабнинг иқтидори ва илмга иштиёқи, тасаввуф илмини камолотга етказиши учун уни Кошғарга, устози Офоқ Хожа ҳузурига жўнатган.

«Қуддиса сирриҳу хожам отимни Машраб дедилар»

Хазрати Хожа Ҳидоятulloҳ (Офоқ Хожа) машҳур мутасаввиф Махдуми Аъзам Даҳбедий авлодидан бўлиб, ўз даврининг қутби олами даражасига кўтарилган тасаввуф алломаси эди. Унинг отаси Муҳаммад Юсуф Самарқанд вилоятининг Даҳбед қишлоғида туғилган, умрини ислом дини ривожига бахш этган. Муҳаммад Юсуф оиласи билан Кошғарга кўчиб ўтган. Офоқ Хожа 1625 йилда Шарқий Туркистоннинг Кумул кентида туғилган. Илк сабоқни отасидан олиб, ислом дини қонун-қоидалари, илоҳиёт илми ва тасаввуф, нақшбандийлик тариқатини ўрганган. Отаси вафотидан сўнг Офоқ Хожа унинг ўрнини эгаллаб, халқни тўғри йўлга чорлайди. Офоқ Хожа жуда кўп хислатларга эга бўлган. Унинг буюк иқтидорга эгалиги бутун Кошғарга ёйилади ва чор атрофдан кишилар унга мурид, яъни шогирд бўлиш учун келишади.

Офоқ Хожа олий унвон билан *офоқ* деб улуғланишининг боиси шундаки, унга эргашган ва унинг сўзларидан файз олган кишилар уни уфқ ва ёруғлик эгаси деб атаганлар. Офоқ Хожанинг ҳаёти жуда ибратли бўлиб, у ҳар куни уч лўқма таом билан қаноатланиб, бутун умр рўза тутиб ўтган. Хожанинг уйида зикр учун икки мингдан зиёд мурид тўпланган. Зикрдан сўнг Офоқ Хожа дарвешлар даврасида Жалолиддин Румийнинг «Девони Кабир», «Маснавийи маънавий» китобларидан парчалар ўқиб, уларнинг ботиний маъноларини тушунтириб берган. Дарвешлар асар таъсирида ҳушларини йўқотиб, жазавага тушишган, йиғилари оламини тутиб кетган. Зикрда Офоқ Хожанинг дам уришидан турли касалликлар билан оғриган (фалаж, кўр, майиб) беморлар бутунлай тузалиб кетишган.

Дунёда икки офоқ бўлса, Қутб ул-оламнинг бири бухоролик буюк мутасаввиф Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний, иккинчиси Офоқ Хожа эди. Офоқ Хожа камбағал ва бева-бечораларнинг меҳрибон, саховатли кишиси бўлган. Офоқ Хожанинг хонақоси барча дарвешлар учун очиқ эди. Офоқ Хожа дарвешлар учун масжидлар ва хонақоҳлар қурдирган. Унинг вақф ерларидан

келадиган улушлар дарвешлар тасарруфига берилган. Офоқ Хожа фавкуллода каромат соҳиби бўлиб, дарвешлар қалбидаги ўзгаришларни ботиний нигоҳ билан англаган.

Машраб «Кошгар тарафидин бир марди Худо иси келадур» деб, Кошгарга йўл олган:

*Азалдин то абад дўстлар ҳамиша оҳ деб келдим,
Тилимда роббиял аъло яна Аллоҳ деб келдим.
Ки сан авлоди Пайгамбар, отингдур ҳазрати Офоқ,
Ки навмид қўймагайларким, улуғ даргоҳ деб келдим.
Ҳидоят кўргузунг Офоқ Хожам пушти паноҳим сиз,
Адашган йўлда қолганман, гарибга роҳ деб келдим.*

Офоқ Хожа Машрабни муридликка қабул қилиб, унинг жисмоний, руҳий тарбиясига алоҳида аҳамият беради. Маълумки, шайхлар мурид тарбиялашда уларнинг маънавий камолотга эришишлари учун турли вазифаларни юклаганлар. Айниқса, муриддаги манманлик, шошқалоқлик, ўзбилармонлик, худбинлик, қайсарлик, такаббурлик каби салбий иллатларни йўқотиш учун уларга маълум вазифалар қатъий белгиланган.

Офоқ Хожа Машрабга мукаммал тасаввуфий таълим беради. «Қиссаи Машраб»да Машраб Офоқ Хожа хонақоҳида кўп йиллар хизматда бўлгани: ўтин ташиб, сув олиб келгани, ҳазратнинг хос маҳрами бўлиб хизмат қилгани зикр этилган. Машраб ўн йил давомида пир топшириқларини адо этади.

Офоқ Хожа Бобораҳимнинг ижодий иқтидорини юқори баҳолаган. Машрабнинг илоҳий ишқ шаробидан маст бўлиб, Аллоҳга бўлган кучли муҳаббатини тараннум этган газалларидан таъсирланиб унга *Машраб* (ишқ шаробини ичган, илоҳий шаробдан сархуш) тахаллусини беради. Машраб бу ҳақда шундай ёзади:

*Қуддиса сирриҳу хожам отимни Машраб дедилар,
Кошгару Ёрканд ичинда соҳиби гуфтор ўзим!*

Офоқ Хожа даргоҳида хизмат қилиб юрган Машраб муршидида густоҳлик (суфийлар ахлоқиға зид хатти-ҳаракат) қилиб, ҳарамдаги чўрилардан бирини севиб қолади ва Хожанинг газабига учрайди ва гуноҳини бўйнига олади:

*Билдимки, отинг Ҳазрати ҳодийи музиллин,
Мақбули ҳидоят бўлойин деб, гунаҳ эттим.*

Офоқ Хожа «Машрабдин Мансури Ҳалложнинг бўйи (ҳиди) келадур» деб, уни жазолашга буюради ва Машрабни даргоҳидан бадарға қилади. Офоқ Хожа Машрабнинг буюк мутасаввиф Ҳусайн ибн Мансур Ҳаллож (858–922) каби ўлим топиши ва Балх ҳокими Маҳмудхон томонидан осиб ўлдирилишини олдиндан башорат қилган.

Ана шундан кейин Машрабнинг ҳаёти то ўлимига қадар сарсон-саргардонлик ва дарбадарликда ўтади. Машраб қаерга бормасин, халқ унга пешвоз чиқиб, ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олган. Машраб уларнинг ҳурматига илтифот кўрсатмай, Пайғамбаримизнинг «Шуҳрат офат келтиради» деган ҳадисларига амал қилиб, халқнинг ихлосини қайтарадиган ишларни қилган.

Машраб Офоқ Хожа даргоҳидан қувилгандан кейин Кошғардан Ёркент шаҳрига йўл олади. Кейин Хўтанга, ундан Или вилоятига, ундан қалмоқлар орасига боради. Яна Кошғарга қайтиб, Офоқ Хожага тавба қилиб, қайта мурид бўлади. Офоқ Хожа унинг тавбасини қабул этиб, уни Тошкентга юборади. Ривоят қилинишича, Машраб икки тоғ орасидаги йўлдан Тошкентга кетаётганда унга ҳазрати Хизр учрайди. Машраб Хизрдан мушқулининг осон бўлишини сўраб, дуо тилайди. Ҳазрат Хизр «бир неча нуктаи маърифат ва тариқатдин баён қилиб», Машрабни дуо қилади.

Тошкентдан қайтгач, Офоқ Хожа Машрабга иршод хати беради. Сўнгра Машраб Ўшга, ундан Наманганга онасини зиёрат қилгани келади:

*Эй, сафо бахши баҳору бўстоним қайдасан,
Нури дийдам, мушфиқим, оромӣ жоним қайдасан,*

*Эй, тириклик боиси, сарви равоним қайдасан,
Ялгуз уйларда рафиқу меҳрибоним қайдасан,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?*

Машраб онасининг «фарзанд фироқида йиғлаб, кўзлари кўр бўлиб, сочлари оқариб» кетганини кўриб, гирён йиғлайди. Унинг оху фиғони кўкка етади.

*Худовандо, улуг зотинг сифотинг кибриё ҳаққи,
Ҳабибинг Мустафову чори ёри босафо ҳаққи.
Хусусан, руҳу Бубакру Умар, Усмону Зуннурайн,
Шоҳи соҳибқирон, яъни Алийи Муртазо ҳаққи.
Мани бечораву саргаштани оввора ҳолига,
Иноят қил, Ҳасан бирла Ҳусайни Карбало ҳаққи.
Не бўлғайким, иноят кўзи бирла назар солсанг,
Расулинг ҳурматидин мустажоб ўлгон дуо ҳаққи.
Ҳазин кўнглумни шод эт, кўрар кўзни кушод эт,
Ки тўқсон тўққиз отингу сифотинг кибриё ҳаққи.*

Онаси «фарзандим кўз ёши ҳурматидан кўзимга ёруғлик бергин, худойим, уни бир марта кўриб ўлсам армоним қолмайди», деб худога нола қилиб, Машрабнинг чопони этагини кўзларига суртади. Онасининг кўзлари очилиб, фарзандининг атрофидан уч марта айланиб, ундан розилигини айтиб, Худога муножот қилиб, омонатини топширади. Машраб онасини қабрга қўйиб, қирқ кун Қуръон тиловатида бўлади. Машраб онасига атаб марсия айтади:

*Нечук айлай, аё дўстлар, ки жононимдин айрилдим,
Тириклик боиси ул муниси жонимдин айрилдим,
Ўшал наврастаи гул барги хандонимдин айрилдим,
Бўлубман булбули шайдо гулистонимдин айрилдим,
Асолат бирла хоқон ибни хоқонимдин айрилдим.*

Машраб онасининг маъракаю расм-русумларини ўтказиб бўлгач, йўлга отланади. Аввал Хўжандга, кейин Тошкентга, ун-

дан Туркистонга, кейин яна Тошкентга, ундан Хўжандга келади ва у ердан мусулмонликнинг бешинчи талаби бўлган ҳаж амалини бажариш учун Макка шаҳрига жўнайди.

Маноқибларда Машрабнинг Самарқанд, Хўжанд, Туркистон, Тошкент, Бухоро, Андижон, Бадахшон, Яқин Шарқ мамлакатларига сафар қилгани баён этилади. Машраб қаерга бормасин, унинг келгани барчага аён бўларди. Халқ унинг оташин ва ҳузурбахш шеърларини ёд олиб, Машрабга эргашишга интилан. Машраб халқнинг ўзи билан овора бўлмаслиги учун шариятга номуносиб хатти-ҳаракатлар содир этган ва руҳонийлар қаҳрига учраб, шаҳардан қувилгач, бошқа манзилга йўл олган:

*Ҳалаб, Шероз билан Шоми шарифи Румни кўрдим,
Бухоро мулки индим, ўтубон Тошкон кетдим.
Яно ҳам Шоҳмардон шер даргоҳин тавоф айлаб,
Сарипулу Шибиргон, Андхўй худ ҳам ки он кетдим.
Қарори топмадим рўйи заминга, Машраб ҳаргиз,
Ажалнинг илкидин, эй дўстлар, охир доvon кетдим.*

Машраб Ҳиндистонда пири Офок Хожа билан учрашгач, у ердан Бухорога йўл олади. Сўнгра Машраб Қабодиёнга жўнайди ва ўша даврнинг машҳур суфийси Сўфи Оллоёр билан учрашади.

Машраб Қабодиёндан Балхга боради. Балх ҳокими Маҳмуд Қатағон билан учрашади. Жоҳил уламолар Машраб байтларидаги мажозий тамсиллар сирини кўфрга йўйиб, уни осиб ўлдиришга фатво берадилар. Машраб Мансур Ҳаллож каби дорга осилишини шеърида башорат қилган эди:

*Мансур Ҳаллождек ичиб шароби ат-таҳур,
Чарх уриб йиглаб турурман ушбу дам дор остида.*

Хуллас, Машраб 1711 йилда Балх ҳокими Маҳмудбий Қатағон фармони билан осиб ўлдирилган ва ўша ерга кўмилган. Машраб ўлимидан аввал ёзган байтида «Тўккиси хунимни охир Балхда Маҳмуд шоҳ, Ал қасос-ул Ҳақ каломи анга ҳам мўддат

эмас» деб башорат этганидек. Балх ҳокими Маҳмудхон ҳам уч кундан кейин зилзилада том босиб қолиб, ҳалок бўлади. Маҳмудхоннинг ўлиmidан сўнг шоирнинг дўст-биродарлари унинг жасадини ўзи васият қилган жойга – Балхдан Ишкамиш шаҳрига олиб бориб кўмадилар. Балх шаҳридаги биринчи қабр рамзий ҳисобланади ва Жавонмарди қассоб номли машхур зиёратгоҳдир. Бу ер муқаддас мазор сифатида ҳурмат қилиниб, Машрабнинг мухлислари уни зиёрат қилиш учун келадилар.

Ишкамиш – ҳозирги Афғонистоннинг Таҳор вилоятида жойлашган Хонобод шаҳридан 30 км масофада бўлиб, қадимдан Вазволин номи билан машхур бўлган. Ишкамиш шаҳридан бир ярим километр шарқда Машрабнинг хом ғиштдан қурилган гумбазли мақбараси жойлашган. Турбат ҳам лойдан ясалган. Қабрининг тепасига араб тилида ёзилган тош лавҳа қўйилган. Унда Қуръон суралари ва шоирнинг вафоти санаси битилган. Мақбара деворларига Машрабнинг газаллари битилган матолар илинган.

Машраб ва тасаввуф

Тасаввуф инсонни покликка элтувчи билимлар мажмуидир. Тасаввуф орқали кишилар ислом динининг ботиний ва зоҳирий гўзаллигини, буюк инсонпарварлик моҳиятини англайдилар. Қалб поклигига эришган, юксак маънавиятли, баркамол шахс нафс исканжасидан халос бўлган кишидир. Тасаввуфда уларни комил инсон дейдилар.

Хўш, нафснинг ўзи нима? Нафс ейишда, ичишда, кийишда меъёрдан ошиш, шунингдек, жоҳиллик, илмсизлик, манманлик, кибру ҳаво, дунёпарастлик, зулм, ўғрилиқ, танбаллик, ғурур, тамагирлик, кўролмаслик, бахиллик, мансабпарастлик, ҳасадгўйлик, ғазаб, кин, адоват, адолатсизлик, умуман, инсон руҳи, қалбини қорайтирадиган, инсонни унинг Яратувчисидан узоқлаштирадиган барча ёмон иллатлар мажмуидир.

Нафсни жиловлаш, нафс амрларига бўйсунмаслик, нафсга асир бўлмаслик ҳақида муқаддас Қуръони Каримда ҳукмлар бор. Ҳадиси шарифларда ҳам бу борада кўрсатмалар берилган.

Нафс инсоннинг қудратли, хавфли душманидир. Нафс гирдобига тушган инсон қандай мавқе ёки даражада бўлмасин, маънавий ва жисмоний тубанликка, ҳалокатга маҳкум бўлади. Инсон камолот даражасига муттасил тоат-ибодат билан эмас, балки ўз нафсини енггани учун эришади:

*Шуҳрат айлаб ким алардек худнамоларни кўрунг,
Зоҳиру сувратпараст ноошноларни кўрунг.
Зоҳирида суфийман деб, тарки дунё айлаган,
Ботини дунёга мойил бахти қароларни кўрунг.
Халқнинг кўзига ҳар дам сувратин дигар қилиб,
Нафс учун шайтон билан борган гадоларни кўрунг.
Шуҳратим офат бўлур деб Машрабинг қўл олмади,
Кўзда ёшим қатраси дурри бақоларни кўрунг.*

Нафсни енгиш қуроли эса пок ишқдир. Ишқ инсонга мислсиз куч-қудрат, ғайрат-шижоат беради. Ишқ деганда меҳр-муҳаббат, мурувват, саховат, эзгулик, ирода, сабот, илм, ибодат, оқиллик, хокисорлик, адолат, сабр, қаноат, ғайрат, камтарлик, ҳалимлик, мардлик, ҳаё, покизалик, ширинсўзлик, шафқат, умуман, инсон қалбини поклашга хизмат қиладиган, уни ўз Яратувчисига яқинлаштирадиган барча эзгу фазилатлар тушунилади. Зеро, покиза сўз ва маънолар дард ва муҳаббатдан тугилади. Ишқнинг манзили инсон кўнглидир. Кўнгил ишқ туфайли покланади. Покланган кўнгилдаги ишқ илоҳий моҳият касб этади, яъни ишқ инсонни юксалтиради.

*Ломаконни шаҳрида ошиқни шайдо қилди ишқ,
Анбиёу авлиёларни ҳовайдо қилди ишқ.
Жилвасин кўрсатиб зоҳирда элга ранг-баранг,
Ору номусдин кечиб оламга гавго қилди ишқ.
Билдию эшитти, Машрабнинг қарори йўқ экан,
Зоҳирин гўё қилиб, ботинин бино қилди ишқ.*

Машраб шеърларида одам зотининг асосий нуқсони нафсу хирс балосига мубтало бўлганлигини, бу нуқсон ушн илоҳий фа-

зилатлардан махрум эгиши, ахлоқан тубанлаштириши, ўткинчи майл-истакларни уйғотиши, инсоний хислатлардан, ҳақиқат, маънавият ва маърифатдан йироқлаштиришини айтиб, нафс аждаҳоси комидан холос бўлганлар учун фақат Аллоҳ – Ҳақ, ҳақиқатдир деган қарашни илгари суради. Шу боис инсон фақат Аллоҳни севиши, унга ошиқ бўлиши, комил инсон бўлишга астойдил интилиши, бу машаққатли йўлда барча уқубатларга чидаши лозим. Барча яхшилик, эзгулик – Аллоҳдандир, бинобарин, уни севган киши ўз яқинларини, ота-онасини, эл-юртини, одамларни ҳам севади.

Тасаввуф оламида шеърятнинг нуфузи ўзига хос бўлиб, илоҳий ишқ майидан сархуш бўлган шоирлар завқу шавқини мажозий тимсоллар орқали тасвирлашга ҳаракат қилганлар. Бундай кишилар *мутасаввиф* деб аталади. Машраб шеърятининг гоъвий, ахлоқий, фалсафий, ирфоний замини тасаввуфдир. Машраб тасаввуф адабиётининг вакили сифатида нафсини енгиш орқали кўнглини юксалтириш, руҳни поклаб, ўткинчи дунё ҳою ҳавасларидан устун бўлишга интилган. Машраб инсоннинг мавқеи-даражасига унинг тўкин ҳаёти, моддийликдан эмас, аксинча, инсоннинг ахлоқий гўзаллиги, юксак маънавий фазилатларидан келиб чиқиб ёндашади.

Машраб илоҳий ишқ куйчисидир. Машраб ана шу илоҳий ишқ девонаси бўлиб, қалбида кечаётган туғёнларни қандай бўлса, шундайлигича қайноқ шеърлари орқали изҳор этади. Унинг сўзлари мисоли лағча чўғ, ёндиргувчи олов, оҳу ноласининг чегараси йўқ, шоирнинг ишқ дардидан олам ларзага келади. Машраб шеърларини ўқиш жараёнида унинг кўнглида кечаётган шавқ, завқ, мажнунлик, бетоқатлик ва ўз аслини топишга интилаётган қалб нолаларини юракдан ҳис этиш ҳамда банданинг Худога бўлган ҳақиқий ишқи қандай бўлиши англанади.

Машраб ўз шеърларини дарднома, кўнглини эса ҳасратхона, жароҳатхона деб атайди. Машрабнинг дарди бир бурда нон топиш умидида юрган, мансаб-амал учун жонини жабборга берадиган киши дарди эмас, шавқ ва изтиробда тунларни бедор ўтказиб, кўзларидан қонли ёшлар тўккан, Аллоҳга интизор юракнинг нолаю фигони, илоҳий муҳаббат дардидир:

Мен нола қилай шому саҳар дод эшигингда,
Жонимни берай, шўхи паризод эшигингда.
Ул лолаву райҳону суман, тоза қизил гул
Ҳам сарв букулди, қадди шамшод эшигингда.
Зулфинг сени бу жонима юз доми балодур,
Жоним қуши сайд ўлди чу сайёд эшигингда.
Савдойи муҳаббатга тушубман сени излаб,
Ўлтурди гаминг, кўзлари жаллод, эшигингда.
Ашким тўқубон ҳажру гамингда кеча-кундуз,
Вайрона ватан – манзили обод эшигингда.
Ул ҳусну жамолинг ўти Машрабга тушубдур,
Парвонасифат куйди, паризод, эшигингда.

Бу дәрднинг давоси Аллоҳ васли, тавҳид ва фано бўлиб, инсонни бу мартабага ишқ олиб боради. Машраб талқинида ишқ барча мушкул ишларнинг калити, инсоннинг ҳақиқий ҳалоскори, вужудни покловчи олов, иксири аъзамдир. Машраб учун мақсад Ҳаққа етишмоқ, моҳиятга етиш йўли эса ишқдир. Машрабнинг шеъряти ишқнинг тафсири, ўз аслидан ажралган руҳнинг нола ва изтироблар оламида ўзлигини топишидир. Шунга кўра, Машрабнинг ишқи динлар, мазҳаблар, турли таълимот ва қарашлар, тушунчалардан устун турган. Машраб мазҳаблараро тортишувларни маънисиз ва беҳуда нарса, деб ҳисоблаган. Кишиларни ана шу ҳақиқатни англашга чақирган. Машраб инсонда илоҳий фазилатни кўриш ва севишни, руҳ ва жисм талаблари орасида азобда қолган инсонни қутқаришни, фиску фужур гуноҳларини муҳаббат ўтида куйдиришни ният қилган.

Машраб талқинига кўра, барча яхшилик ва эзгулик Худодан, шунинг учун Худони севган инсон Ер юзидаги барча нарсаларни, ёру биродари, ота-онаси, эл-юртини севади, карамли ва саховатли бўлади. Машраб нопоклик оламидан поклик оламига, ҳайвоний ҳирс ва нафс қутқулари оламидан илоҳий оламга кўтарилиш учун *маломатийлик* тариқатининг қаландарлик ҳаракатига қўшилади. Бундан асл мурод илоҳий ишқ ҳосил қилиш эди. Машраб қаландарликнинг биринчи шартини ваҳдат майдан қониш деб билган.

Аксари тадқиқотчилар Машрабдан инқилобчи, исёнкор ясамоқчи бўлиб, Машрабнинг шеърларини ижтимоий ҳаёт ҳодисотлари билан боғлашга ҳаракат қилганлар. Машрабни «исёнкор шоир сифатида зулм ва разолат илдизларини қирқиш учун ёвузлик ва ёмонликка қарши қалқон бўлиб, амалдорларнинг кирдикорларига қарши ўз нафратини билдирган, шунинг учун қаландарона ҳаёт кечирган», деб таърифлаганлар. Аслида қаландар тасаввуф йўлига кириб, хайр-аҳсон билан кун кечирувчи киши бўлиб, зикр ва самоъ орқали Аллоҳга руҳан яқинлашиб, фақру фано даражасига эришиш ва ҳақиқатга етиш учун ўз жисми ва қалбини поклашга интилган. Қаландар ўз муршиди (пири)нинг кўрсатмаларини сўзсиз бажариши шарт бўлган. Шоир бу ҳақда шундай ёзади:

*Муродинга етай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл,
Ситам аҳлин ютай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.
Оғиздан дур сочай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл,
Ёмонлардан қочай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.
Риёзатсиз бўлай десанг, таним озод юрай десанг,
Жаҳонни сайр этай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.
Разолат куйдурай десанг, залолат ўлдурай десанг,
Хамасин сунурай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.
Гуҳаррезлик қилай десанг, ҳамани кулдурай десанг,
Чу Машрабдек бўлай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.*

Машраб халқ ичида юриб Ҳақ билан бирга бўлган. Машраб қаландарлик билан шуҳрат қозонган. Кўнгилни қаландар тутиш, дунё ва нафс ҳавасларидан холи эканлик, ҳамиша буюк Аллоҳ зикри билан машғуллик ва Худо буюрган эзгу амалларни ўз ҳаётининг мазмунига айлантириш қаландарларнинг асосий маслаги бўлган. Машрабнинг Бобораҳим дейилиши сабаби бир жиҳатдан қаландарликка бориб тақалади. Қаландарлар ўз пир, шайх ва раҳнамоларини бобо деб атаганлар.

Қаландар ҳар қандай боғланишлардан, расмийтчиликдан холи, озод бўлган, ҳар турли диний амал ва одатларни халқдан яширинча амалга оширадиган, халқнинг маъломат қилиши учун айрим ношаръий амалларни қилишдан тоймайдиган,

иззат-нафсини хор қиладиган барча амалларга тайёр, шу билан Аллоҳ ризолигига эришишни орзу қиладиган суфийдир. Қаландарлар бир-бирлари билан абдал тилида сўзлашганлар, махсус соч кўйиб юрганлар. Уларнинг махсус кийимлари кулоҳ (бош кийими, қалпоқ), далқ (дарвешларнинг жундан тўқилган кийими), камар (белбоғ), асо (ҳасса), качкул (кашкул, қаландарлар белига осиб юрадиган қовоқдан ясалган ва сув ёки егуликлар солинадиган бели сиқик қопқоқли, ўйма нақшли челақсимон махсус идиш), каду-матбах (сувқовоқ, овқат солинадиган идиш) дан иборат бўлган. Уларнинг масканлари шаҳар ёки қишлоқ ташқарисида бунёд этилган қаландархоналар бўлган.

Қаландарлар шарият амалларини тўғри бажарган ҳолда, шарият аҳлининг мутаассиблиги, турли бидъатларга ўралиб, шакл-параст бўлиб қолган мулла, эшон, имом-хатибларнинг устидан кулганлар, уларни зоҳирбинлар деб атаганлар.

Мутасаввиф олим Н. Комилов сўзлари билан айтганда, Бобораҳим Машраб калтафаҳм, кеккайган хону бекларни, манман кимсаларни, зоҳирбин бетавфиқ руҳонийларни ҳажв этиб, Аллоҳ олдида шоҳу гадо баробар, деган ақидани илгари сурган. Машраб ўта ростгўй, сохталиқни ёқтирмайдиган, чўрткесар, ҳақ гапни айтишда ҳеч нарсадан тоймайдиган одам бўлган, юраги бир парча оловдай ёниб турган. Машраб дейди:

*Агар марди дурустсан, ҳужраи дил посбони бўл,
Ёмонни яхшиси бўлгунча, яхшини ёмони бўл.*

Машраб қаландар бўлса ҳам, нақшбандийлик ва яссавийлик тариқатининг турли ўлкаларга ёйилишига катта ҳисса қўшган. У маънавий пирлари бўлган Иброҳим Адҳам, Мансур Ҳаллож, Боязид Бистомий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Имодулдин Насимий маслакларининг давомчисидир.

«Маърифатдан беҳабарсан, гавҳаримни ковлама»

Буюк мақсадларга инсон маънавий, сиёсий, ҳуқуқий оламининг муҳим омилларидан бири – маърифат орқали эришилади. Чунки онг ва тафаккурдаги ўзгаришни фақат маърифат билан бойитиш мумкин.

«Маърифат» атамаси ўзини билмоқ, танимоқ, деган маънони англатади. Тасаввуфий истилоҳда Аллоҳни таниш, Ҳақни билиш илми ҳисобланади. Маърифат инсоннинг ўзлигини англашидир. Маърифат тариқатнинг ҳосиласи ва бевосита давоми бўлиб, инсон маънавиятининг кундан кунга ортиб, коинот ва табиат илм-ҳикмати, шунингдек, инсоний ва илоҳий сирлардан ҳабардор бўлиши орқали намоён бўлган. Аллоҳнинг 99 исми сирасорини билиш маърифатнинг мағзини ташкил этган.

Маърифат орқали нарсаларнинг яширин (сирли) моҳияти, илоҳийлиги англашилган, яъни илм ўқиш ва ўрганиш орқали эгалланса, маърифат Аллоҳнинг хос кишиларига марҳамати, инъоми ҳисобланган. Орифлар *«кимки ўзини яхши таниса, Парвардигорини ҳам албатта танийди»* ҳадисини шарҳлаб, инсон ўзининг тузилиши, мураккаб таркиби, жисмоний ва руҳоний вужудини ўрганса, Аллоҳнинг улут ҳикмати ва бекиёс қудратининг букуклигини англайди, шу билан бирга ўзидаги камчилик ва ҳатоларни қанча сезиб идрок этса, Аллоҳнинг бенуқсон комил зот эканига ишонч ҳосил қилади дейдилар. Зеро, Ғаззолийнинг ёзишича, *«Аллоҳ таолонинг ҳар бир ишида беҳисоб ҳикматлар ва сирасорлар бордир»*.

Маърифат водийсида инсон оламнинг бепоёнлиги, ихтилофлар, зиддиятларга тўла эканлиги, тараққиёт ва таназзул бирга эканлиги, хилма-хил интилишлар, ниятлар, орзу-армонлар мавжудлиги ва тўқнаш келиши, доно ва нодон, улуг ва кичик, зулмат ва нур аралаш-қуралаш эканини англайди. Минглаб йўлларни мушоҳада этади ва ўзи танлаган йўл энг тўғри, ҳақ йўл эканига иқроф бўлади.

Маърифатга олиб боровчи билимлар ақлий-ҳиссий, ҳол илми ва сирр ул-асрор илмига ажратилган. Биринчи илм зоҳирий илмлар билан шуғулланадиганлар илми бўлса, иккинчи илм ҳол мартабасига кўтарилган суфий ва орифлар илми,

яъни важд, завқ ҳолатида кашф этилган илмлардир. Учинчи илм авлиёлик илми бўлиб, маърифат аҳли илмларни тўғридан тўғри Аллоҳдан олганлар, илмлар шуъла, нур кўринишида қалбларга жойлашган. Машраб ана шу илмдан баҳраманд бўлган зотдир.

Машраб инсоннинг кўнглида илоҳий маърифат чироғини ёқувчи Аллоҳнинг ўзи, деб билган. Унинг жазба ҳолида айтган сўзлари маърифатдан беҳабар, фақат зоҳирий билимларга таяниб иш кўрадиган мутаассиблар томонидан шаккоклик ва худосизлик деб тушунилган. Шунингдек, Машрабнинг масжид ва бозорлардаги айрим хатти-ҳаракатлари шариат низомига зид деб ҳукм қилинган. Оқибатда, юқорида таъкидланганидек, Балх ҳокими Маҳмудхон фармонига кўра, у осиб ўлдирилган.

Машраб қози ва уламоларга қарата «*Маърифатдан беҳабарсан, гавҳаримни ковлама*» деб хитоб қилганида чандон ҳақ бўлган.

Хўш, риёкор шайх, қози ва уламолар ким?

Машраб талқинида улар шундай тоифаки, ўзини халққа яхши ва чиройли кўрсатишга интилади, худди олтин қопланган мис каби усти ялтироқ, ичи қалтироқдир. Уларнинг ташқи кўриниши дин ҳимоячиси каби, ичлари кир ва булғанч, ҳар бир хатти-ҳаракатларида тама мавжуд. Намоз ўқиш, рўза тутиш, ҳажга боришдан мақсади элга ўзини кўз-кўз қилиш, туну кун қўлида тасбеҳ ўтириши кўзбўямачилиқдан бошқа нарса эмас. Ғофиллик билан ўқийдиган дуолари мастлар базмидаги тараллабедодга ўхшайди. Уларни завқу шавқдан маҳрум ўқиган муқаддас каломни ҳеч кимга наф бермайди, уларнинг ички маънавиятлари бўшлиқдан иборат.

Неча мулло илм ўқуб, роҳи шаётинни топиб,

Чун рибову ришвани ерлар хушдорлиқ ила.

Рост сўз айтсанг уларга, зарра қилмаслар қабул,

Куфр айттинг, деб урарлар, неча озорлиг ила.

Улар ўзларини пок қилиб кўрсатганлари билан, уларнинг иши ислом динини ўлдириш, мусулмонларни диндан бездириш. Улар бу ишларининг қабоҳат эканини билмайдилар, вужудларини ғафлат пардаси ўраб олгандир.

*Мани кўрса қочадур шайхулислом Ахриман янглиг,
Нечун: бўйнулга зулфи тори чирмашган туморим бор.*

Машраб дин номидан ҳукм чиқариб, ўзлари учун ҳамиша «йўл» топган ришвахўр, дилозор, зоҳирига қараб ҳукм чиқаргувчи, риёкор мулла ва эшонларнинг ўзлари билан ўзлари овора бўлиб қолганларини, уларнинг имонини имонсизлик, дин-парастлигини динсизлик, тақводорликларини кўзбўямачилик деб, рўй-рост айтган:

*Жаҳон шайхи, кибори, олиму қозию ҳам муфти,
Ҳама ўз нафси бирла саргардон, мен беватан келдим.*

Машраб калтабин ва зоҳирпараст хожа, хўжа, саййид, бек ва хонларнинг тутган ишлари мусулмончилик ва имондан бўлса, менинг кофирларга раҳнамо бўлганим бўлсин, дейди:

*Хожа, саййид, бегу хон, сардорлар бадкор эса,
Зулм тигин тез этарда ҳар бири номдор эса,
Косалес каззоб шайхлар бу Ватанда бор эса,
Куфр элига Машрабидек раҳнамо пайдо бўлур.*

Машраб халқни жаҳолат ва қўрқувда сақлашдан манфаатдор бўлган мутаассиб руҳонийларнинг риёкорликлари, адолатсизликларини нафрат билан ошкор қилган. «Қиссаи Машраб»да ривоят қилинишича, Машраб масжидда имомга иқтидо қилиб намоз ўқиётганда, намознинг ўртасида Машраб бехосдан «жўқ, жўқ» деб юборади. Имом намозни тугатгач, Машрабга дағдаға қилиб, намозни бузиб, бошқатдан ўқигани сабабини сўрайди. Шунда Машраб «Санинг ғаразинг бузуқ, намоз ичида «бузоқ онасини эмиб қўймадимикин», деган хаёлга бординг, шунга кўра мен намозни бошқатдан ўқидим», – деб имомни мулзам қилади.

Машрабнинг дил ноалари дунёпараст ҳокиму жоҳил ула-моларга ёқмаган, шеърлари уларни тубсиз таҳликага солган. Ризк-рўзи қорнига битган, маърифатдан бегона, «ўз нафси билан саргардон» кишилар Машрабни «девона», «мажнун», «телба» деб масхара қилишдан нарига ўтмаганлар.

Машраб шеърлари маърифат дарғалари учундир, зеро Машрабнинг ўзи «дардларимни дардсизга айтманг», деб илтижо қилади. Унинг шеърлари руҳ хасталиги ва қалб гумроҳлигига қарши қалқон бўлиб хизмат қилади.

Машраб шеърляти мисоли ёмғир қақраган чўл-саҳроларга ҳаёт бахш этгани каби ўлик қалбларни тирилтирувчи, инсоннинг ўзлигини англаш, шаҳс ва жамият, одам ва олам, холиқ ва махлуқ муносабатларини теран мушоҳада қилиб, бир умр ишқни тараннум этган ва ишқ дарди билан яшаб ўтган Ҳақ бандаларининг кўнгил сирларини очувчи қалитдир.

«Шуҳрати шеър бобида Машраби мўътабар ўзум»

Машраб ўз асарларини жамлаб, девон тузган эмас. Унинг шеърлари ихлосмандлари ва шоғирдлари томонидан китобат қилинган. Шунингдек, Машрабга бағишланган қисса, баёзлар оғиздан оғизга ўтиб, кейинчалик халқ китоблари шаклида бизгача етиб келган. Машраб ғазалларига Машраб, Шоҳ Машраб, Машраби телба, Девона Машраб каби тахаллуслар қўйган. Бунинг ўзига хос сабаби бор. Ҳақиқатан ҳам, Машрабнинг кўнгилга қуйилиб келаётган қуйдиригжон илоҳий завқ, жазба, руҳий кечинма ва изтироблари ипга терилган маржон кабидир.

Сўз мулкининг султони, улуг ўзбек шоири Алишер Навоийдан кейин Машраб ўз шеърларида яна бир бор туркий назмнинг нақадар буюклиги ва ўлмаслигини кўрсатган. Машраб Иброҳим Адҳам ва Мансур Ҳалложни ғойибдан пири комил деб билган. Ижодда Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Имодудин Насимий йўлидан борган. Лутфий, Навоий ғазалларига назиралар ёзган, мухаммаслар боғлаган.

Оташнафас шоирнинг ижодий мероси бизгача мукаммал етиб келмаган бўлса ҳам, машрабшуносларнинг сатъ-ҳаракати туфайли унинг турли даврларда ёзилган қўлёзма ва тошбосма асарлари намуналари топилди.

Бобораҳим Машрабнинг шеърый меросини тиклаш борасида самарқандлик машрабшунос олим, фидойи инсон, мумтоз

шеъриятнинг нозикфаҳм билимдони Ж. Юсуповнинг хизматлари бекиёсдир. У Машраб девонининг бир неча қўлёзма нусхаларини солиштириб, қиёслаб, турли баёзлар, қиссалар, манбалар ичидан бизга маълум бўлмаган шеърларни ҳам топиб, 1990 йилда «Меҳрибоним қайдасан» номи билан нашрга тайёрлади. Шу билан бирга Машраб девонининг аввалги нашрларида йўл қўйилган хатоларни бартараф этди, шоир ижодининг янги қирралари таҳлил этилди. Бу эса Машраб ижодини ўрганишда янги саҳифаларни очди.

Ж. Юсупов тайёрлаган «Девон»дан Машрабнинг 380 та газал, 21 та мустазод, 4 та мураббаъ, 78 та мухаммас, 7 та мусаддас, 2 та мусаббаъ, 1 та мусамман, 1 та маснавий, фард ва тўртликлари ўрин олган.

Машраб ғазалларининг асосий мазмуни муҳаббат, ошпиқнинг кечинмалари, айрилиқ азоблари, висол шодлиги кабилардир. Машраб ёр васли умидида «шому саҳар» нола қилишдан чарчамайди, ишқ юракларини садпораю девона қилганини айтиб, ўзини маърифат бозорининг девонаси, икки жаҳонга ҳам сигмаган, икки дунёни ҳам назарга илмаган, бир охи фигони билан жаҳонни куйдиргувчи, ёр дийдорининг ҳайронаси, ишқ аҳлининг султони, деб таърифлайди:

*Жамолинг соғиниб шому саҳар зор йиғларман,
Жунун саҳросида девона – мажнунвор йиғларман.
Кўзумдин мавж уруб селоби ашким тўла қон оқти,
Тилаб висолингни тунлар зор-зор йиғларман.*

Мустазод (шеър мисраларининг охирига аруз қондаси асосида бир неча сўз орттириш) ғазалга ўхшаш, лекин вазн охирига икки рукннинг қўшилиши қалб тўлқини, қайноқлигини янада оширади, ўқувчи қалбида ҳаяжон ҳиссиётини пайдо қилади. Мустазод оҳанги мақомлар оҳангига мос тушгани учун шоирлар, мақомчилар ва шинавандалар орасида машҳур бўлган.

Машраб шеъриятидаги ҳарорат, исёнкорлик, қайноқлик, гўзал қочиримлар шоирнинг кўпроқ мустазодлар битишита сабаб бўлган:

Ногоҳ кўрунуб кўчада ул сарви хиромон,
Кош қоқти-ю, кетти,
Коши учида имо қилибон жуббаси ларзон,
Бир боқти-ю, кетти.
Ул шўх пари, кўзлари офат, сўзи оташ,
Ҳай-ҳай не жавоҳир,
Бир шева қилиб этти мени ўзига ҳайрон,
Хуш ёқти-ю, кетти.

Машраб шеъриятида мураббаъ (тўрт мисрали шеър) кўпроқ худога нолиш, илтижо қилиш, ҳамду сано айтишга бағишланган. Машраб тараннум этаётган ёрини «нозик ниҳолим, бодом қовогим, ҳамча қош, чучук сўз, тотлуқ лаб, қаро қошилиқ, зилол чашма юзлиқ» деб таърифлайди ва ўзини маъшуқанинг «турлук-турлук жилвасига» жонини беришга тайёр ошиқ деб билади.

Машрабнинг ишқ мактуби шу қадар жозибалики, маъшуқасининг юзини кўрмай девона, халқи жаҳондан бегона бўлади, кўксининг оҳи тошларни ёради, ёр кўйида қонлар ютиб, ҳасратга тўлади, кўксининг дардларини тошга битади, изтиробдан бошини тошларга уради, ишқ шаробини ринд каби ичади, дард ғамидан юраклари қон бўлади, ҳасратлари ҳамиша унга ҳамроҳ бўлади ва буни бод (шамол, ел)га айтиб, ёрга саломини етказишни қайта-қайта сўрайди:

Ҳижронда Машраб афгон этадур,
Бағрини чандон гирён этадур.
Кўзини ҳар дам гирён этадур,
Эй, бод, еткур ёра саломим.

Машрабнинг мухаммас (беш мисрали шеър) жанрида ёзган шеърларида ҳам шоирнинг ёрга интизор қалб ноалари мужас-самдир. Машрабнинг «Бўлмасун ҳеч ким» номли мухаммаси шоирнинг таржимаи ҳолини ифодалаб бераётгандек тасаввур ҳосил қилади. Машраб ўз ҳолини бошқага раво кўрмайди ва ҳеч кимнинг «интизору йўлда ҳайрон, кўкарганда қуриб ер билан яксон» бўлишини хоҳламайди. Машраб тун-кун кўзидан ёш-

лар оқизиб, бағри тўла қон, ёри унинг афтода ҳолини сўрашига
интизор, ишқининг табиби даволашига муҳтож, кўзларидан
нур кетиб, дарддан қадди нун бўлгани, ўзидек аҳли дардларни
қидириб тополмагани, дил розини эшитадиган, юраги дафта-
рини ўқийдиган дўст-биродари йўқлигини, ёр васлида ўлимдан
бошқа даво тополмаганини айтади:

*Азиз, хушвақт эрдим, охирги дамда хор бўлганман,
Юрак-бағри туташган, гам билан бемор бўлганман.
Кишим йўқ сўргудекким, минг балога ёр бўлганман,
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,
Кўзидин хун тўкиб, бағри қон бўлмасун ҳеч ким.*

Мусаддас (олти мисрали шеър) ҳам Машраб ижодий
махоратининг ёрқин намунаси бўлиб, шоир дил розини яна-
да гўзал ифодаларда тасвирлайди. Машраб ёрига нола қилиб,
«Ўзга юзга боқма деб, кўзимга мих қоққанмисан, Қатл этарга
қасд этиб бағримга тиг чопқанмусан» деб, ёрининг жафосидан
куйиб-ёнади. Айни дамда шунча азоб берган ёрининг жафоси-
ни унутиб, уни сийлашга, гўзал сўзлар билан юпатишга ҳаракат
қилади:

*Жонни юз минг пора қилди, дилрабо, нозинг сенинг,
Элни қурбон айламакдир кунда андозинг сенинг,
Ўлдирурга, тиргизурга йўқтур анбозинг сенинг,
Эл сўзингдин жон топар – жондурки алфозинг сенинг,
Шарҳ қил, жонон, надур ҳуснунгга парвозинг сенинг,
Ўргулай, эй дилрабо, ё жонмусан, жононмусан.*

Машрабнинг мусаббаъ (етти сатрли шеър) жанридаги шеъри
ҳам «жонининг маҳбуби» мадҳига бағишланган. Шоир ёрининг
қилган жафоларини жонининг роҳати деб билади:

*Ғунчаи нозик баданим, лолаузорим,
Шамшод қадим, сийм таним, чашми хуморим,
Хусн мулкининг султони ўзинг – шоҳисуворим,*

Кел олди ма, жон садқа қилай сенга, нигорим,
Ҳам сабру қарорим қолмади, дилда мадорим,
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат,
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам жонима роҳат.

Машрабнинг Аллоҳга бўлган ўта кучли муҳаббати туфайли
завқ-шавқ ва беҳудлик ҳолатида айтган шеърлари мафтункордир.
Машраб ўзини гулшан ичра сайроқи булбулга, туну кун Аллоҳ
васлига етиш умидида оҳу нола чекувчи ошиққа ўхшатади:

Гулшани боғи даҳр аро булбули чагмагар ўзум,
Бир тўти бебадал учун ошиқи дарбадар ўзум.
Кунонга дам-бадам бориб навҳау зорлар қилиб
Шому саҳар фигон этиб, Ҳофизу хуш асар ўзум...
Хисрави Комрон бўлуб, Рустами Достон бўлуб,
Бир зўр паҳлавон бўлуб, Ҳамзаи раҳнагар ўзум.
Ошиқи нуктадон манам, пири ҳидоятхон манам,
Шуҳрати шеър бобида Машраби мўътабар ўзум.

Девондаги шеър ва ғазаллар бадий юксаклиги, ҳис-
туйғуларнинг фавқулодда жўшқинлиги, халқ ижодига хос бўлган
маъно ва манзараларга бойлиги, фикрларнинг самимийлиги ва
беғуборлиги билан асрлар оша минг қиррали олмос каби товла-
ниб, мунаввар ёғду таратмоқда.

«Агар ошиқлиғим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар»

Мухаббат маърифатнинг меваси бўлиб, унинг мақоми қалбда кучли тугённинг кўтарилиши, бетоқат ва безовта бўлиб, барча гўзалликлар манбаи, қудрату нусрат, неъмату роҳат эгаси Аллоҳ томон талпинишдир.

Тасаввуф адабиётида ишқ марказий тушунчалардан бири бўлиб, унинг икки тури мавжуд. Биринчиси, мажозий ишқ – Аллоҳ томонидан яратилган барча махлуқот ва мавжудотларга – инсонга ва бутун борлиққа нисбатан меҳр-муҳаббат туйғусидир. Мажозий ишқдаги ёр инсон бўлиб, унда жамики пайгамбарлар, азиз-авлиёлар, ота-она, фарзанд, айниқса, гўзал қиз ёки мард йигит ёр тимсоли бўлиши мумкин. Ҳақиқий ишқ – бутун оламлар яратувчиси бўлган, пок ва қудратли Аллоҳни таниш, билиш, англаш ва у билан бирлик туйғусидир. Ҳақиқий ишқ тимсоли Аллоҳдир.

Машрабнинг «Агар ошиқлиғим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар» деган сўзларини шоир руҳининг овози деб таърифланса, шоирнинг руҳи икки жаҳонни ҳам бағрига сиғдира олади. Машраб илоҳий ишқдан шу даражада сармаст бўлганки, уни ошкор қилишни ҳам, яширишни ҳам уддалай олмайди.

*Агар ошиқлиғим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар,
Бу ишқ сиррин баён этсам, тақи ул хонумон ўртар.
Кишига ишқ ўтидин заррае тушса бўлур гирён,
Бўлур бесабру бетоқат, юрак бағри ҳамон ўртар.
Нечук тоқат қилай, дўстлар, бу дард ила бўлуб ҳайрон,
Ғамим бошқа, алам бошқа, юрагимни ниҳон ўртар.
Бу Машраб дардини, жоно, ки ҳеч ким бошига солма,
Агар Машҳарда оҳ урсам, биҳишти жовидон ўртар.*

Ошиқликнинг бош сифати ўзидан ва барчадан бегоналик бўлса, Машраб ишқ йўлида нафақат ўзини унутган, барча нарсадан кечиб, ул пари-пайкар ҳаёлларига ғарқ бўлган.

Машраб ижодида Аллоҳга муҳаббат ва унинг васлига етиш етакчи ўринда туриши юқорида таъкидланган эди. Машраб қалб туғёнларини изҳор этишда турли рамз – тимсоллар, тушунча-ибора­лар, масалан, ишқ, муҳаббат, ёр, жонона, гул, май, бода, висол, маҳбуб, маъшуқа, дўст каби сўзлардан фойдаланган.

Ишқ сўзининг луғавий маъноси «ёпишмоқ», «чирмашмоқ» бўлиб, тасаввуфий истилоҳда ишқ муҳаббатда ҳаддан ошиш демакдир. Ҳусайн Воиз Кошифий ишқни шундай таърифлайди: «Ишқ дарёси ўзининг жозиба қудрати билан борлиқ (тириклик) масканидан ўзиб, фақр ва йўқликнинг чуқур денгизига қўйи­лади. Қачонки ошиқ юзини бошқа бир томонга бурар экан, ишқ унинг жони гирибонига чанг солиб, йўқлик сари тортиб кетади ва нигоҳини горат қи­лади, гурурини ўз алангаси билан баданларни те­шиб ўтиб, юракларга қадар етадиган шуъласи билан куйдириб юбо­ради». Бу асрорларнинг барчаси ишқнинг асаридир.

Ишқ «соликнинг бу­роқи, йўловчиларнинг улови», зеро ақл эллик йил муттасил ҳаракат қилиб эришган муваффақиятларни ишқ бир лаҳзада култепага айлантиради ва ошиқни пок этади. Машрабнинг ишқию ошиқлигини, унинг руҳини англаш, юрагининг туб-тубида яширинган сирли изтиробларини илғаш машрабона ҳаёт тарзига муяссар қи­лади. Яъни Машраб руҳидаги юксаклик, унинг дарду ҳасратлари ҳақидаги тасав­вурлар Машраб дунёсини бутунлай қамраб ололмайди, унинг ҳар бир шеъридаги тасвир Машраб бошидан кечирган ҳолатни акс этти­ради.

Машрабни англаш учун Машраб бўлиш керак. Машраб учун ишқ – озодлик. Ишқ уни дунё ғами ва у билан бог­лиқ тушунча­лардан озод қилгани билан Худога қаттиқ боғлаб қўяди. Чунки ошиқлик – бандаликнинг энг олий (ҳаддан зиёд) кўринишидир. Машраб озод­лик деганда уни ёлғиз Худога боғланиш деб англаган.

*Ажаб Мажнун эрурман, дашт ила саҳрога сизгамдур,
Дилим дарёи нурдир, мавж уруб дунёга сизгамдур.
Шариат ҳам, тариқат ҳам, ҳақиқат ҳам мендадур мавжуд,
Чу султони азалдурман, ки Арши аълога сизгамдур.
Мақоми ҳайрат ичра гоҳи худман, гоҳи беҳудман,*

*Жунун бозорида мастманки, истигнога сигмамдур.
Гоҳ ўрус, гоҳи черкас, гоҳи мўмин, гоҳ тарсоман,
Не кавнайна, миёни лоу, иллаллоҳга сигмамдур.*

Шоир Мажнун каби ошиқнинг руҳи макону замонга сиғмаслиги, у бу тушунчалардан ташқарида эканлиги, ошиқ руҳи балқиб, порлаб туриши, у икки дунёга ҳам сигмай, икки дунёни, Арши аълони, фалак ва малаклар оламини ҳам қамраб олишини, чунки унинг ошиғи – Яратувчи султони азал, яъни ҳамма нарса ундан ва унга қараб бориши, ҳамма нарса ўзгариши, ривожланиши, тараққий этиши, пайдо бўлиши, йўқ бўлиши, Худо эса ўзгармаслиги, ҳамма нарса тутаса ҳам, у тутамаслигини куйлайди. Покланган ошиқ руҳи ҳам ўзида илоҳийликни акс эттиради.

Машраб ишқни таърифлашда май, шароб, бода истилоҳларидан ҳам фойдаланган. Май (ишқ) куйиладиган коса, қадаҳ ёки жом каби идишлар кўнгил рамзлари бўлган. Кўнгилда (идишда) ишқи (майи) тўла ошиқлар (маст, девона, хумори) тўпланадиган жой пир (устоз, муршид, тариқат пешвоси) даргоҳидир. Ишқ май экан, суфийлар даргоҳи майхонадир. Маърифат улашувчи, ишқ сирларини талқин этувчи пири комил соқий бўлса, ишқ аҳли унинг муридлари, шогирдларидир. Васл аҳли камолотга эришган, валоят мақомидаги валийдир.

Балогатга интиланган, ўзини англаган, Яратувчисини таниган, Ҳаққа интиланган инсон майда-чуйда тасаввурлар, бидъату ирим-сиримлар, қотиб қолган ақидаю маросимлардан халос бўлади ва оламни ўзгача нигоҳ билан англайди. Инсон қанчалик майдалашиб борса, арзимас икир-чикирларга вақтини бой бериб, азиз умрини зое кетказса, ҳеч қачон ўзлигини англолмайди.

Машраб учун миллий, ирқий, диний, мазҳабий, жинсий ва бошқа бўлинишлар ва низолар кераксиз ва ортиқча бўлиб кўринади. Унинг учун Шарқу Ғарб, насрония буддавий ё мусулмон – барчаси баробар.

Машраб талқинида динлар дунёвий ўлчовларга тегишли, руҳ эса инсонийликни белгиловчи фазилатдир. Зеро руҳ барча инсонларни бирлаштиради, айирмачилик, сафсатабозлик, худ-

бинлик нақадар нодонлик ва бу Машраб наздида гўдаклар ишидир.

Машраб ҳамипша Ҳақ ёдида бўлган бўлса ҳам, халқ билан бирга бўлган. Унинг учун асосий мезон одабийликдир. Машраб инсонни аввало одабийлик сифатларига қараб эътиром этган ва қадрлаган. Машраб учун барча одамлар Худонинг бандаси ва уларни Худога олиб борадиган йўллар турли диний, мазҳабий йўналишда бўлса ҳам, биттадир. Яъни йўллар бир-биридан расм-русум, урф-одат, маросимлар билан фарқланса ҳам, ҳар бир инсоннинг асл нияти, мақсади ягонадир.

Машраб талқинида инсон қанчалик маърифатли бўлса, шунча инсонийдир, шунга кўра, у барча одамлардаги инсоний фазилатларни қадрлайди ва оламдаги барча нарсаларга муҳаббат билан қарайди. Шоир ишқни иймон, ошиқларни иймонлилар, ишқдан бебаҳра, кўксида доғи йўқ кишиларни иймондан йироқ, улар бедардлик балосига гирифтор бўлган норасолар, деб ҳисоблаган:

Қайси таннинг ишқи йўқ бўлса, они иймони йўқ.

Машраб шеъриятининг ўзига хослиги ва тақрорланмаслиги шундаки, Машраб учун Худонинг ўзи – муҳаббат, унинг учкунлари, зарралари олам узра таралган, билим ҳам, маърифат ва ҳикмат ҳам, дину эътиқод ҳам барчаси Ишқ туфайлидир. Илоҳиёт олами беҳудуд, чексиз бўлганидай ишқ ҳам чегарасиз, унинг ўтмиши, мозийси йўқ, у доим истиқболдир. Ақллар қарийди, жисмлар эскиради, ҳислар сўнади, аммо ишқ ҳамма вақт навқирон, ҳақиқат ва эзгуликнинг ўзидай абадий.

Ишқ Исони кўкка кўтарди, Мусони Сино тоғига чиқариб, дийдорталаб қилди, исломни жорий этиб, Расулulloҳни меърож туни Парвардигор ҳузурига етаклади. Машраб шеърларида Вомиқ, Мажнун, Фарҳод, Шайх Боязид, Шайх Шиблий, Жунайд Бағдодий, Шамс Табризий, Фариiddин Аттор, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Иброҳим Адҳам, Мансур Ҳаллож, Имодуddин Насимий номлари тилга олинган. Улар бари ишқ дарғалари, илоҳий нур парвоналаридир.

Ёши етмишга етиб сотгурди ўзини Боязид

Матрифат бозорида, кўргил, на савдо қилди ишқ?
Шайх Шиблий, Шайх Аттору, аналҳақ суҳбатин,
Кирди ичди бодани Мансурни дорда қилди ишқ.
Куфр айтти, деб Насимий терисини сўйдилар,
Гўшти пўстин сўзлатиб, оламга гўё қилди ишқ.

Шоир бемалол: «Намозу рўзадан кечкил, муҳаббатга бота кўргил» деб айтар экан, қанчадан-қанча донишмандлар, уламо-ларга масхара бўлган ўз қавми – «девоналар» аслида орифлар-нинг орифи эканини фахр билан таъкидлаган.

Машраб ўзи сиғинган ғайбий пири бўлган Мансур Ҳалложни ишқ қурбони, ҳақгўйлик тимсоли сифатида улуғлаб, алқайди. Мутлақиятга восил Машраб бошини Мансур каби дор-га тутишга рози бўлади:

*Ваҳдат майини пири мугон илқидан ичдим,
Мансур каби бошимни дорга тутта қолдим.*

Мансур Ҳаллож руҳи Шайх Фаридиддин Аттор орқали олти юз йилдан кейин Машраб жисмига сингган:

*Минг аналҳақ келаду Мансур осилган дордин,
Ҳар замон лаббайка деб келгай нидо жаббордин.*

Мансур сўзи хато эмас эди, у ҳақ гапни айтди, Тангрининг ўзи лаббайка – мана мен раббинг, деб нидо бермоқда, унинг сўзларини тасдиқламоқда, дейди шоир. Машраб назарида еру кўк, дарахтлар, дарёлар, майса-кўкатлар, дор ёғочи, кесилган бош, Насимийнинг эт-суяклари ҳам аналҳақ деб фарёд чекади.

«Мансурни дорда қилган ишқ» чексиз бўлганидай, Мансурлар, Насимийлар ҳам беҳисобдир. Машраб Мансур Ҳаллож гояларига буткул қўшилган ҳолда, унинг маслагига жисман ва руҳан талпинади. «Соғинчимнинг дарди шундай зўрки, – дейди Машраб, – дарахтларни хома, дарёларни сиёҳ, осмонларни китоб саҳифаси қилиб ёзсам ҳам адо бўлмайди». Куръондан иқтибос қилинган бу ташбеҳ нақадар чиройли ва ҳашаматли! Куръонда у Аллоҳнинг қудрати тавсифи сифатида келтирилади, Машраб эса

бу ташбеҳни ҳам Аллоҳ қудрати ва ҳам Аллоҳ ишқи қудратини таърифлаб қўлаган.

Машраб бир умр ишқ дардида ёниб, изтироб ва қайғу билан яшаган. Унинг бедорлиги, қалб тафти тафаккур оламини нурлантирган маёқ бўлган. Машрабнинг маънавий уйғоқлиги унинг фикрларидаги саркашлик, нохотиржамлик, гуноҳкорлик туйғуси, ўз-ўзидан қониқмаслик, юрак сирларини барчага ошкор қилишдан тортинмаслик кабиларда намоён бўлган.

Машраб замон ва маконга сиғмай, сарсон-саргардонликда юрт кезган ва қаерда бўлмасин ишқи илоҳийдан сўз очиб, «дардига дармон топа олмаган»:

*Худони шавқида йиглаб ўзум овора Машрабман,
Қўзи ёшлиғ, қади ҳамлиғ, вале садпора Машрабман.
Ичиб жами муҳаббатдин ҳадиси шаккаридинман,
Ўзини қудратин очқон Худони дафтаридинман.*

Шоирлик ўзингнинг ҳақлигингни ҳис этишдир. Машраб ҳам умрининг охиригача ҳақлигига ишониб яшаган ва ўлимдан қўрқмаган. Машраб шеърларининг ҳар сатрида ошиқлик ва девоналикка етишган юракнинг ноласи мужассамдир.

Машраб шеърлари умрбоқийдир, унда нурсизлик, файзсизлик, такаббурлик йўқ. Қайнар будоқ каби юракдан отилиб чиққан мисраларда борлиқ намоён бўлади, унда ҳаёт ҳам, ўлим ҳам, ўтмиш ҳам, келажак ҳам, мавжудлик ҳам, номавжудлик ҳам, борлиқ ҳам, йўқлик ҳам мужассам.

«Қиссаи Машраб»

«Қиссаи Машраб» – «Шоҳ Машраб қиссаси» Бобораҳим Машрабнинг шогирди Пирмат Сеторий томонидан ёзилган.

«Қиссаи Машраб» Машраб шахсининг кўп қирраларини очиб берадиган, халқ меҳрини ифодалаган асардир. «Қиссаи Машраб» сўзбошида «икки жаҳонга ситмаган» ишқ соҳибининг ғаройиб ҳаёт йўли маноқибларда янада жозибали тасвирланган. Машраб номи тилларда дoston бўлган.

«Қиссаи Машраб» халқ дostonларига ўхшайди, воқеалар Машрабнинг туғилиши ва умрининг охирида Балх подшоши Маҳмудхон томонидан дорга осиб ўлдирилиши билан якунланади. Асарда Машраб «мўъжизакор авлиё, билимдон, ҳозиржавоб шоир, тақводор, тўғрисўз, оқил, ҳалол, покиза инсон, дунё моли ва ҳузур-ҳаловатидан воз кечган дарвеш» сифатида тасвирланган.

Ривоят қилинишича, шоир қаерга бормасин, суфиёна, халқчил ғазаллари ва оташин сўзлари билан халқ кўз ўнгида авлиё сифатида намоён бўлади. Машрабнинг орқасидан эргашиб, ҳурматиини жойига қўйишади, ҳоким табақалар унга мурид бўлишга ҳаракат қилиб, ўз кошоналарига таклиф этишади. Ўз номининг улуғланиши, ҳурмат-этибори ошиб, кибр-ҳавога берилмаслиги учун шоир бу жойларда одоб-ахлоқ қоидаларига сиймайдиган номақбул ишлар қилиб, барчанинг ҳафсаласини пир қилади, ўз ҳаётини таҳликага солади.

«Қиссаи Машраб»да келтирилган ҳикоят ва ривоятлар қадимий фольклор анъаналари асосида яратилганки, шоирнинг ғайритабиий мўъжизаларга бой саргузаштлари, масалан, ўтда ёнмаслиги, Хизр билан учрашуви, ўз тақдирини олдиндан каромат қила олиши, ботиний нигоҳ билан кишиларнинг ҳолатларини идрок эта билиши, сув остида анча вақт туриши кабилар худди бўлган воқеадек таассурот қолдирган.

«Қиссаи Машраб»да одамзотнинг пайдо бўлиши, Асҳоби Каҳф ҳақидаги Қуръон ҳақиқатлари ҳам ўзининг бадий ифодасини топган. Шунингдек, қиссада Машраб яшаган давр руҳини акс эттирган ҳаётий лавҳалар ҳам бисёр.

Машраб дунёқарашининг нозик қирраларини, баъзи шеърларининг ёзилиш тарихини яхшироқ тушуниш учун асарда маълумотлар мавжуд. Зеро, қиссадаги ёрқин ва ажабтовур ҳикоятлар Машраб ҳақидаги тасаввурларимизни бойитиш билан бирга, Машраб шахсига чуқур ҳурмат ва эҳтиром ҳиссини уйғотади.

Ривоят қилинишича, Машраб Хўтан қишлоқларидан ўтиб кетаётганда, бир деҳқон экинини шудгор қилиб, Машраб ғазалларидаги сўзларни бузиб куйлаётган экан. Машраб ҳам кетмонни олиб, деҳқоннинг экинларини чопа бошлабди. Бу ҳолни кўрган деҳқон Машрабдан «Сенга нима ёмонлик қилдимки, ме-

нинг экинларимга зарар етказасан, еримни нима учун бузасан» деб сўраганда, Машраб «Бузиб ўқиётган ғазалинг менинг иморатимдир, сўзим сендекларга қолиб хор бўлгунча, куйиб кул бўлгани яхшироқ» деб даkki берган экан.

Машрабнинг ихлосмандлари унинг айтган шеърларини ёдлаб, кейинчалик китоб ҳолига келтиришни хаёл қилишади. Машраб ботиний нигоҳ билан уларнинг ниятини англаб, «Мендан китоб қолса, аҳли муҳаббат хароб бўлур» деган экан.

Оташнафас шоирнинг шахси турли замонларда турлича талқин қилиниши натижасида тушунмовчиликлар келиб чиққан. Машраб ҳақидаги тадқиқотларда мафкура таъсири остида у руҳонийлар ва худога қарши кураш олиб борган шаккок шахс сифатида тасвирланган. Айниқса, Машраб ва унинг пири Офоқ Хожа, Машраб ва руҳонийлар ўртасидаги тушунмовчиликлар «Қиссаи Машраб»ни мутолаа қилиш жараёнида баргараф этилади.

Машраб уч йил риёзат чекиб, Ила шахрининг ҳокими ва қизини мусулмон қилади. Бутун Ила халқи ҳам мусулмон бўлади. Шу туфайли Офоқ Хожа Машрабга «рустамона иш қилдинг, гуноҳингдан ўтгим», деб даргоҳига қабул қилади.

Ривоят қилинишича, Машраб қирғизлар юртига кириб борганида уни душман деб, ўлдирмоқчи бўладилар. Қамишларни тўплаб, Машрабни ўтда ёқамиз деб ҳарчанд уринсалар ҳам, ўт ёнмайди. Бу кароматни кўриб, оёғи остига йиқилган қирғизларни Машраб дуоибад қилади: «Илоҳо, бу жамоа қирғизни бўлдим деганда бузгайсан».

Машраб Ҳиндистонда бўлганида масжидга жумъа намозини ўқиш учун кирган, имом одамларни «ҳалолхo ҳисоб, ҳаромхo азоб» деб қўрқитаётган пайтда қўлидаги қамчиси билан имомни бир уриб, ўзи минбарга чиқиб қуйидаги байтни ўқиган экан:

*Кўтарсанг пардани ногоҳ юзингни бир кўрай дейман,
Жамолинга назар солиб, ки ҳуснинга тўяй дейман.
Халойиқ қиблага боқиб, деюрлар роббиял аъло,
Намозу рўзага сан деб, санга сажда қилай дейман.*

«Қиссаи Машраб» халқ насрининг энг гўзал намуналаридан бири сифатида ҳозирга қадар севиб мутолаа қилинади. Машраб ҳаётига оид айрим воқеалар бутунги кун ўқувчисининг тасаввурига сиғмаслиги, эстетик қарашларига зид келиши мумкин. Шундай бўлса ҳам, асар Машраб ҳақидаги тасаввурларимизни бойитади ва ўзининг ошиқлигини баралла айта олган, бошига тушган муҳаббат савдосини баён қилган шоирнинг кўнгил изҳорлари маърифат аҳлига манзур бўлади.

Ҳарфларнинг сеҳрли жилоси

Шарқ халқлари шеъриятида араб ҳарфларининг график шаклларида бадий усул сифатида фойдаланиш поэтик анъана бўлиб, буюк сўз ustalари Ҳофиз Шерозий, Мавлоно Лутфий, Атоий, Саккокий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Отаҳий, Муқимий, Фурқат асарларида кенг қўлланилган. Машраб ижодида ҳам воқеалар тасвири жонли тамсил, ишора, ҳарфларда ифодаланган. Жумладан, ёрнинг қомати алифга, хижрондаги ошиқнинг букилган қадди долга, маҳбубанинг зулфи жимга, қош кўзлари нунга, тишлари синга, ҳоли эса нуқтага қиёс этилади.

*«Алиф»дек жон аросинда ниҳоли қоматин асраб,
Ғамидин оқибат қаддимни «нун» янглиг дуто қилди.*

Машраб бу ғазалида ёр ва жон ўртасидаги муштараклик ва уйғунлиқни ниҳоятда нозиклик билан тасвирлаган. Маҳбуба ишқда куйган ошиқнинг қадди эса нун каби эгилган.

Машрабнинг юсак бадий маҳорат эгаси эканлиги унинг олам-олам маънони бир сатрда худди ипга терилган садаф каби теран ифодалашади кўринади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзди:

...Минг маънини бир нуқта бирла мухтасар қилдим.

Машраб ҳарфлардан сўз ўйини қилади ва айни вақтда бир сўзга бир неча маънонинг либосини кийдиради, ҳарфлар орқали ёрнинг гўзаллигини тасвирлайди:

*Икки зулфинг ила қаддинг мисоли «жон» дерлар,
Ким «жим», «алиф» ила «нун» юзингда холинг оч...*

Машраб ҳарфлар тимсолида ёрга бўлган оташин муҳаббати, қалб туғёнлари, руҳий изтироблари, кечинмалари, ёрга етиш умидида чеккан заҳматларини ишонарли ифодалаган:

*Юз жафо бошимга орттурди, вафони кўрмадим,
Охири бори маломат қоматимни қилди «нун».*

Машрабнинг «Қилдим бу кун» радифли газали алифбе ҳарфлари тартибида ёзилган бўлиб, ҳар бир ҳарфга таъриф берилади. Машраб ҳарфлар тимсолида ёр васфини қилиб, унга ишқини дoston этади, ёрнинг ҳуснини таърифлаб, жафоларини тилга олади:

Алиф – Алифдек қоматингдин ибтидо қилдим букун,
Бе – Балои доғи дардинг дилга жо қилдим букун.
Те – Тиловат қилгай эрдим ояти рухсорингни,
Се – Савоби хатми Куръон интиҳо қилдим букун.
Жим – Жамолингни кўрай деб келдим, эй, шоҳи жаҳон,
Ҳе – Ҳаётим борича, ман илтижо қилдим букун.
Хе – Халойиқ ичра хуш хулқу некулик сандадур,
Дол – Дилни олғучига ошино қилдим букун.
Зол – Зоил бўлмасун деб ҳар замон меҳринг сенинг,
Ре – Работинг ичра таъмири вафо қилдим букун.
Зе – Зулфинг шомидин йиглаб юру шому саҳар.
Син – Селоби сиришкамни раҳо қилдим букун.
Шин – Шакарлиг лабларингдин меҳрибонлиг кўрмадим,
Сод – Сабрим қолмади, оҳу наво қилдим букун.
Зод – Зоеълиг била умрум ўтодур оқибат,
То – Толесизлигимдин кўп хато қилдим букун.
Зо – Золим кўзларингни ғамзаси қилди хароб,

Айн – Азиз жондин кечиб, жоним фидо қилдим букун.
Ғайн – Ғарибларга тараҳхум қилгил, эй, султони ҳусн,
Фе – Фароғат бирла арзимни адо қилдим букун.
Қоф – Қурбат васлидин бўлди мададкорим худо,
Гоф – Гулзорида айни муддао қилдим букун.
Лом – Лабинг кавсар, тишинг гавҳар, хати лаълинг ўқуб,
Мим – Меҳробинг қошига иқтибо қилдим букун.
Нун – На бўлғай, биргина кўрсам жамолинг, эй пари,
Вов – Ваъда, дилбарим, кўксига жо қилдим букун.
Ҳе – Ҳазил эрмас, киши доғини пинҳон айласа,
Лом-алиф – Лола сифат чоки қабо қилдим букун.
Ё – Ёрим, дилбаримга дуди оҳим сардини,
Ҳамза-сокин – Айлабон сўи само қилдим букун.

Пардаи исматда сақла Машраби бечорани,
Дилрабо, номахраимни ошино қилдим букун.

Машраб дилтортар ва ҳозиржавоб шеърияти билан барчага манзур бўлган. Бу эса шоирнинг юксак эстетик дид соҳиби ва бадий тафаккур эгаси эканлигидан далолат беради.



Бобораҳим Машраб Ўрта Осиё, Афғонистон ва Шарқий Туркистонда маълум ва машхур бўлган мутасаввиф, қаландар шоир, исломий қадриятлар, тасаввуф адабиётининг йирик намояндаси ва билимдонидир. Машраб дилтортар ва илоҳий ишқ тараннуми акс этган шеърлари билан асрлар оша кишиларнинг қалби ва руҳини ёритиб, халққа манзур бўлган. Машраб асарлари нафақат ўзбеклар орасида, балки афғон, тожик, уйғур халқлари ўртасида ҳам севиб ўқилган. Машрабнинг ҳаёт йўлини ёритувчи ягона манба – «Қиссаи Машраб»дир. Машрабнинг ҳаёти худди ижоди каби мураккаб ва кўп қиррали. Унинг ҳаёти саргардонликда, жаҳонгашталиқда, оддий халқ орасида ўтган бўлса ҳам, *«руҳининг уммонида ишқ тўлқинланиб, алангали ҳис-ҳаяжонларни юракка сигдиролмай, минг маънини бир нукта билан мухтасар этади»*.

Замон ва замин дардини ўзида сигдирган Бобораҳим Машраб халқ ичида юриб, ҳақсизлик ва жаҳолатга қарши исён қилади. Аммо унинг исёни, айрим олимларимиз ёзиб келганидай, феодал тузумга ёхуд дин ва Аллоҳга қарши исён эмас, балки аксинча, динни шайтоний нафсга қурбон қилган, мунофиқ ва порахўр, тамагир кишилар, уларнинг ҳамтовоқлари бўлган ўзга «аҳли бадкирдор»га қарши исён эди. Агар тасаввуфий нуктаи назардан янада чуқурроқ олиб қарайдиган бўлсак, бу дунёнинг ўзидаги барча ноқаслик, ишқсизлик ва худобехабарликка қарши норозилик исёнидир. Шунинг учун ўз руҳининг Аршга кўтарилгани, кайҳоний парвозидан ҳайратланувчи Машраб айна вақтда фалак зулмидан «бахти қаролар подшоҳига» айлангани, «жафодан монанди дол» бўлганини айтиб нолийди, зохирни кўриб, ботинни англамайдиган калтафаҳм шайхлар, ришвадан ҳазар қилмайдиган муллаларни ҳажв остига олади. Машраб феълидаги яна бир ажиб жиҳат шундаки, унга мурид тушмоқчи бўлганларнинг ихлосини қайтарадиган ишлар қилган: «Ман муридни уҳдасидан чиқа олмасман, аммо қиёматлик биродарман».

Машраб илоҳий ишқ тарғиботчиси ўлароқ ҳақ йўлида ўз жонини қурбон қилган фидокор шаҳид инсон сифатида ҳурмат-эҳтиромга сазовордир. Машрабнинг ҳаёт йўли Ойбекнинг «Маш-

раб» шеъри, Омон Матжоннинг «Бу Машраб, Машраб» достони, Муҳаммад Алининг «Машраб» достони, Шухратнинг «Машраб» романи, Миркарим Осимнинг «Синган сетор» қиссаси, Х. Бегматовнинг «Девона Машраб» романида ёритилган.

Машраб шеърлари нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам севиб мутолаа қилинади. Бу ўринда немис олими Мартин Хартманнинг «Доно дарвеш ва авлиё даҳрий», «Қадамжо» мақолалари диққатга сазовордир. 1992 йилда Францияда «Қиссаи Машраб» кўп нусхада чоп этилган. Машрабнинг руҳи унинг ошиқона шеърлари билан мухлислар қалбида яшайди, минглаб кишилар учун руҳий таянч ва маънавий кўмакчи сифатида хизмат қилиб келади.

Ёшлар онги ва шуурини орифлик даражасига кўтарилган мутасаввифларнинг ҳаёт тарзи, сийрати, фалсафий-ирфоний таълимоти, маънавий поклик, ҳалоллик, илм-маърифатга интилиш, касб-ҳунар эгаллаш, ҳаммага яхшилик қилиш каби инсонпарварлик ғоялари, маънавий камолот ҳақидаги ўғитлар билан бойитиш ва уларни намуна қилиб кўрсатиш муҳим тарбиявий аҳамиятга эга.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев И. Шоҳ Машрабга сўзбоши // «Шарқ юлдузи», 1995. № 6.
2. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. – Т.: Маънавият, 2000.
3. Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат-ул қулуб. 2-китоб. – Т.: Минҳож, 2004.
4. Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан / Нашрга тайёрловчи Ж. Юсупов. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.
5. Бобораҳим Машраб / Тузувчи Ж. Раҳимов, А. Аҳмедов. – Т.: Ўқитувчи, 1991.
6. Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур / Тадқиқ қилувчи, эски ўзбек ёзувидан нашрга тайёрловчи, луғат ва изоҳларни тузувчи Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. – Т.: Фан, 1994.
7. Жузжоний А.Ш. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001.
8. Комилов Н. Тасаввуф. II китоб. Тавҳид асрори. – Т.: Ўзбекистон ва Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётлари, 1999.
9. Машраб. Танланган асарлар / Нашрга тайёрловчилар П. Шамсиев, А. Ҳайитметов. – Т.: 1958.
10. Машраб шеърятидан. – Т.: Ўзбекистон, 1979.
11. Машраб. Танланган асарлар / Нашрга тайёрловчи А. Абдуғафуров. – Т.: 1980.
12. Машраб. Девон / Нашрга тайёрловчи В. Раҳмонов, К. Исмоилов. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
13. Машраб. Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.
14. Шоҳ Машраб қиссаси. – Т.: Шарқ, 1991.
15. Қиссаи Машраб. Нашрга тайёрловчилар: Сайфиддин Рафъиддин, Муҳаммад Ёқуб Салим ўғли, Шарофхон Жамолхон ўғли. – Т.: Ёзувчи, 1992.
16. Ҳайитметов А. Ҳаётбахш чашма. – Т.: 1974.

Мундарижа

Сўзбоши.....	3
Ирфоний ишқ куйчиси	4
«Мен таваллуди ўшал фарзанди Намангониман»	7
Мудла Бозор Охунд – Машрабнинг устози	8
«Қуддиса сирриху хожамотимни Машраб дедилар»	10
Машраб ва тасаввуф	15
«Маърифатдан беҳабарсан, гавҳаримни қовлама».....	21
«Шуҳрати шеър бобида Машраби муътабар ўзум»	24
«Агар ошиқлигим айтсам, қуюб жону жаҳон ўртар»	29
«Қиссаи Машраб»	34
Ҳарфларнинг сеҳрли жилоси	37
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати	42